O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
TOSHKENT TUMANI
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ХОКИМ
ТАШКЕНТСКОГО РАЙОНА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

QAROR
Р Е Ш Е Н И Е

№ 1634 "30" сентября 2020 йил

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини 2021 йил учун белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2008 йил, 29-30-сон 277-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган ҳамда меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан туман ҳокимлиги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаб, тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 10 фоизи миқдорида, яъни 285 кишини ташкил этади.

Шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 22 фоиз – 63 киши;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 63 фоиз – 179 киши;

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 5 фоиз – 13 киши;

ногиронлар учун 3 фоиз – 5 киши;

пенсия олди ёшидаги шахслар учун 5 фоиз – 13 киши;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун

4 фоиз – 10 киши;

атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун 0.4 фоиз – 1 киши;

одам савдоси қурбонлари учун 0,4 фоиз – 1 киши миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

2. 2021 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот, муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2020 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи, 2021 йилнинг 10 апрелидан кечикмаган ҳолда иш жойларининг қолган қисми, яъни 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва мазкур қарор ижроси бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этилсин.

5. Ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ таъминласинлар.

6. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Маҳкамасининг

2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солиниши тўғрисида огоҳлантирилсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази раҳбари (Л.Ибрагимов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

8. Туман ҳокимининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини 2020 йил учун белгилаш тўғрисида”ги 4227-сонли қарори 2020 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Маманов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б. **О.Рустамов**

Тошкент тумани хокимининг
"30" 09 2020 йил
1634-сонли карорига илова

2021 йилда Тошкент тумани бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассалар рўйхати

№	квота иш ўрни белгиланган хоким кароридаги корхона ташкилот номи	уларда ишловчилар сони	2021 йил учун квота иш ўринлари режаси йиллик	14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болалаи ота оналар	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини таъмомлаганлар	Сафарбарлик чақирик захирасида хизматни ўтаган ва мудатли харбий хизматдан бўшатилганлар	Ногиронлар учун	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун	Жазони ўташ муассасаларидан ёки суднинг карорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган	Одам савдоси қурбони учун	Атрофдагилар учун хавф тўғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун
1	Mehnat agro firma	209	10	2	5	1	2				
2	Mexnat pivo	168	10	1	7			1	1		
3	10-МТМ	34	2		1			1			
4	ДСЭНМ	87	9		7	1			1		
5	Туман Ободонлаштириш бошкармаси	121	8	1	1			1	5		
6	15-МТМ	31	3		3						
7	Калбинур файз	43	4		2	1			1		
8	Халк таълим булими	54	5	1	3	1					
9	Бонито гроуп МЧЖ	290	25	8	17						
10	"Навруз ПТК" МЧЖ	89	6		6						
11	Лекитеркапс МЧЖ	20	2		2						

12	Тош. Вил. Силга карши диспансери	260	14	3	9	1					1
13	Микрокредит банк	40	4	1	3						
14	"Прогрум тигарет" МЧЖ	140	14	3	9	2					
15	Тошкент туман тиббиёт бирлашмаси	1395	50	17	31	1		1			
16	27-МТМ	42	4		4						
17	Халк банки	64	6	1	5						
18	ЗВУЭП при НИИСВ и В им. М.Мирзаева	77	7	3	3		1				
19	30-МТМ	36	3		3						
20	"Нон АЗИЗ" МЧЖ	43	4		3		1				
21	Мактабгача таълим бўлими	40	4		4						
22	Тошкент тумани Йўллардан фойдаланиш унитар корханоси	59	6	2	3				1		
23	"CLASS-FOOD-SERVIS" МЧЖ	63	6		5		1				
24	"Fazo-Luxe" МЧЖ	151	15	2	10			2	1		
25	17-мтм	31	3		2			1			
26	21-мтм	22	2		2						
27	Келес барака чаварлари	110	10	4	6						
28	ООО KABEL TECH ENERGY	250	25	8	6	5		6			
29	Бахор Гуллари	200	20	5	15						
30	Бктовая техника Артел	43	4	1	2					1	
	ЖАМИ	**4212**	**285**	**63**	**179**	**13**	**5**	**13**	**10**	**1**	**1**